



The GEF
Small Grants
Programme

UNDP
Uzbekistan

АСАЛАРИЧИЛИК

БОШЛОВЧИ АСАЛАРИЧИЛАР УЧУН



Ушбу нашр Глобал Экологик Фонднинг Ўзбекистондаги Кичик Грантлар Дастури (ГЭФ КГД) «Экологик хизматларнинг иқтисодий аҳамиятини намойиш этиш усули сифатида Паркент туманида асаларичиликни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида тайёрланган

Тузувчилар:

Минзафаров Марсель Камилович – асаларичи, ГЭФ КГД нинг Ўзбекистондаги «Паркент туманида асаларичиликни ривожлантириш – экологик хизматларнинг иқтисодий аҳамиятини намойиш этиш усули сифатида» лойиҳаси раҳбари

Музарова Наталья Александровна – Тошкентдаги Халқаро Вестминстер Университетининг кичик ўқитувчиси

Мазкур нашрда баён қилинган қарашлар ва хуносалар муаллифларнинг нуқтаи назарини ифодалайди ва Ўзбекистондаги БМТТД нинг расмий нуқтаи назари ҳисобланмайди.

БЕПУЛ ТАРКАТИЛАДИ

Материалдан нусха кўчириш маъқулланади.

Нашрнинг электрон нусхасини қўйидаги сайтдан топишингиз мумкин:

www.sgp.uz 

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Апрел.....	4
Асалари хўжалиги учун жой танлаш ва инвентарь сотиб олиш	
Асалари оиласини танлаш	
Асалариларни транспортда ташиш	
Бирламчи кўрик	
Бироз назарий маълумотлар. Асаларилар билан ишлашда хавфсизлик техники- каси	
Май.....	15
Сушь ҳисобидан уяни кенгайтириш	
Уяни кенгайтириш учун сунъий мумкатақдан фойдаланиш	
Рамкаларни кенгайтириш	
Бироз назарий маълумотлар. Асаларилар оиласининг таркиби – она асалари	
Июн.....	21
Бироз назарий маълумотлар. Асаларилар оиласининг таркиби – эркак асалари	
Июл.....	23
Асал олиш	
Асални ускуна ёрдамида тортиб олиш	
Бироз назарий маълумотлар. Асаларилар оиласининг таркиби – ишчи асалари	
Август.....	27
Бироз назарий маълумотлар. Асалариларда ўғрилик	
Сентябр.....	31
Охурчани ташкил этиш	
Қўшимча озиқлантириш	
Бироз назарий маълумотлар. Асаларилар касалликлари – личинкалар касал- ликлари	
Октябр.....	38
Бироз назарий маълумотлар. Асаларилар касалликлари – катта асаларилар ка- салликлари	



Ноябр.....	41
Бироз назарий маълумотлар. Асаларилар касалликлари – юқумсиз касалликлар	
Декабр.....	44
Бироз назарий маълумотлар. Асаларичилик маҳсулотлари – асал	
Январ.....	47
Бироз назарий маълумотлар. Асаларичилик маҳсулотлари – мум	
Феврал.....	49
Бироз назарий маълумотлар. Асаларичилик маҳсулотлари – прополис ва она асалари сути	
Март.....	52
Бироз назарий маълумотлар. Асаларичилик маҳсулотлари – гулчанг	
Илова. Бошловчи асаларичи учун календарь	55



КИРИШ

Ушбу рисола – эндигина бу ишга қўл урган асаларичилар учун амалий қўлланмадир. Агарда сиз боғингизда ёки дала ҳовлингизда икки-уч асаларилар оиласини боқиш ҳақида жиддий муроҳаза юритаётган бўлсангиз, аммо ишни нимадан бошлишни билмаснгиз – ушбу қўлланма сизга қўл келади.

Шуни ёдда тутишингиз керакки, асаларичилик – бу амалий фан, уни устоз ёрдамида ўрганган маъқул. Агарда бундай имкониятингиз бўлса, ҳудудингиздаги асаларичилар жамиятига мурожаат этинг ва тажрибали устоз топинг.

Сиз учун керак бўладиган барча маълумотлар бу китобда жуда содда ва тушунарли шаклда келтирилган. Мазкур амалий қўлланма саҳифаларидан сиз асалари уясини танлаш бўйича маслаҳатлар, асаларичиларнинг мавсумий ишлари таърифи, зарур назарий маълумотлар, хавфсизлик техникаси бўйича маслаҳатлар ҳамда муваффақиятли асаларилар хўжалигини яратиш бўйича дастлабки қадамларингизда қўл келадиган бошқа маълумотлар билан танишасиз.

Қулайлик учун барча маълумотлар кетма-кет, ойма-ой тартибда келтирилган. Асаларилар оиласи ва уяларини сотиб олиш учун қулагай бўлган баҳор фаслидан бошлаб, ушбу қўлланма сизга келгуси баҳоргача ҳамроҳлик қиласи ва ҳар ойда асаларилар билан олиб бориладиган ишларни баён этади.

Бир йил ўтгач сиз селекция ишлари, она асаларилар етиштириш, кўчма асаларичилик ва б. масалалар бўйича янада батафсил китобларга мурожаат қилишингиз мумкин. Бу сизга асаларилар хўжалигининг муваффақиятини ва ривожланишини таъминлашга ёрдам беради.






АПРЕЛ

АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 1-ФАКТ¹

Асалари юксиз ҳолатда соатига 65 км тезлик билан учади, яъни тезюар поезд билан мусобақалашишга қодир. Гул ширасини йиғиб олган бўлса, учиш тезлиги соатига 18–30 км га пасаяди (шамолнинг кучи ва йўналишига боғлиқ ҳолда). Парвоз пайтида асалари бир сонияда 440 марта қанот қоқади.



АПРЕЛДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Апрел – биринчи асаларилар оиласини сотиб олишингиз учун энг қулай вақт, чунки бу пайтда асаларилар қишки үйқудан чиқиб бўлган, биринчи парвозини бажарган бўлади ва сиз уларнинг сифатларини тўлақонли баҳолай оласиз.

Аммо асалариларни сотиб олишдан аввал уларни қаерга жойлаштириш ҳақида ўйлаб кўришингиз керак.



¹Бу ерда ва бошқа ўринларда асаларилар ҳақидаги «фактлар» қўйидаги сайтдан олинган: <http://rus-honey.ru>

АСАЛАРИ ХҮЖАЛИГИ УЧУН ЖОЙ ТАНЛАШ ВА АНЖОМ СОТИБ ОЛИШ

Асалари хўжалигини тинч, кучли шамол ва елвизаклардан ҳимояланган ерда жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Агарда жой очик бўлса, хўжалик атрофида ўсимликлардан ҳосил қилинадиган иҳота экиш, боғ барпо этиш ёки девор ясаш (масалан, қамишдан) ҳақида ўйлаб кўришингиз керак.

Асалари хўжалигини катта сув ҳавзалари яқинида жойлаштириш керак эмас, чунки бу асал берадиган ўсимликлар ўсиши учун жой чекланганлигини билдиради. Шунингдек, асаларилар гул ширасини излаб сув ҳазваси устидан учиб ўтар экан, орқага қайтиш пайтида ҳалок бўлиши мумкин. Майда сув ҳавзалари, дарё ва ирмоқлар борлиги эса асалариларга ижобий таъсир кўрсатади.

Асалари хўжалиги учун жой зах бўлмаслиги керак, чунки захликдан асаларилар кўпроқ касалланади.

Асаларилар хўжалиги электр узатиш линиялари ва уяли алоқа базали станцияларидан узоқда жойлашган бўлиши керак. Бундан ташқари, хўжаликда уяли телефонлардан фойдаланишнинг ўзи мақсадга мувофиқ эмас, чунки бу асалариларга ушбу жойда ҳаракатланишига халал беради.

Дарҳол асалариларга сув беринг. Маъқули, иккита челак олинг, ҳар бирининг тубида кичик тешик ясанг ва уларни тепалик устига қўйинг. Челакларнинг остига бурама тарновчалари бор тахта қўйинг, улардан сув оқиб туради².



Сувлоқ тузиш шаклларидан бири

² Сувлоқнинг сурати sibir-pchelovod.ru сайтидан олинди





сувлоқ түзиш шаклларидан бири

Тезкорлик билан яна бошқа шаклдаги сувлоқ ясаш мүмкін – кесилгандык покришка ва пенопласт бұлакчалари ҳам сувлоқ ясашга ярайди.

Асалариларға ҳам чүчүк сув, ҳам шүр сув керак, шу сабаб-ли битта чеклакка чүчүк сув,

иккінчисига 1 ош қошиқ тузни 1 литрда әритиш нисбатида шүр сув қуйинг.

Айни пайтда асаларилар уясини ва бошқа зарур анжомларни сотиб олиш керак. Айниңа кичик күламда асаларичилик билан шуғулланиш учун сизге бир неча оддий мосламалар за-рур бўлади: бевосита асаларилар уялари (шу ерлик асаларичилар фойдаланадиган) ёки ўн олтита рамка сифадиган уялар сотиб олган маъқул. Шунингдек, куракча, сунъий мумкатақни силлиқлаш учун ғалтакмола, исказа, чўтка, тутатқич, юзни ёпиш учун тўр ва оқ ҳалат керак. Шунингдек сизга каноп ва ҳар бир уя учун ёстиқ керак бўлади.



АСАЛАРИЛАР УЯЛАРИНИНГ ТАШҚИ КҮРИНИШИ



ХАЛАТ ВА ҲИМОЯЛОВЧИ
ТЎУРЛИ ШЛЯПА



Куракча асаларилар қутисидан чиқиндиларни йиғиб олиш учун керак. Ғалтакмола ва сим сұнъий мумкатақни мумкатақ рамкасига үрнатиш учун керак. Буни қандай бажариш кераклигини навбатдаги бобда ёритамиз. Искана рамкани күриш учун чиқариб олишда рамкалар оралиғидаги масофани катталаштириш учун за-рур. Чүтқадан қутини чиқиндилардан тозалашда ва асал олишда рамкалардан асалариларни супуриб ташлашда фойдаланасиз. Тутатқичдан (дымарь) рамкаларни күриб чиқиша асаларилар тажоввузкор бўлмаслиги учун уларни ҳайдаш мақсадида фойдаланилади. Шуни билиш керакки, тутатқичдан фойдаланишда унинг ичига туваётган ёғоч парчалари солинади, улар жуда қуруқ бўлмаслиги керак, акс ҳолда учқун чиқиб, уя ёниши мумкин. Тутатиш учун латтадан фойдаланиш мумкин эмас, чунки унинг тутуни аччиқ бўлиб, асалариларнинг жаҳлини чиқаради ва уларни кучизлантиради. Халат, юзни ёпиб турувчи тўр ва қўлқоплар сизни асаларилар чақишидан ҳимоялайди (хавфсизлик техникаси ҳақидаги батафсил маълумотлар қўйида келтирилган).



ТУТАТҚИЧ



КУРАКЧА, ҒАЛТАКМОЛА, СИМ, ИСКАНА ВА ЧҮТКА

Ушибу буюмларни Тошкент шаҳрининг асаларичилар жамиятидан сотиб олишингиз мумкин.

Мулоқот учун телефон: +(998) 71 268 63 81.





УЯНИНГ КЎЗИ (ЛЕТОК) –
БУ УЯНИНГ ОЛД ДЕВОРИДАГИ
ТЕШИК, УНДАН АРИЛАР УЯГА
УЧИБ КИРАДИ ВА УНДАН УЧИБ
ЧИҚАДИ.

Сотиб олинган асаларилар уялари янги, қуруқ ва тоза бўлиши керак. Уларни шундай жойлаштирингки, кўзи кўзига қараб турмасин – бу хавфсизлик техникасининг биринчи талаби. Ўзбекистоннинг иссиқ ва қурғоқчил иқлимида уялар кўзини шарққа ёки шимоли-шарққа қаратган маъқул, шунда асаларилар ишга эртароқ киришади, кундузги жазирама қўёш нурлари бевосита уларга тушмайди.

Ҳамма нарса шай бўлгач, асалариларни харид қилишимиз мумкин.

АСАЛАРИЛАР ОИЛАСИНИ ТАНЛАШ

Қандай қилиб энг яхши, соғлом ва истиқболли асаларилар оиласини танлаш мумкин?



Аввалига ўйлаб кўринг, таниш асаларичиларингиз борми? Бор бўлса, асалариларни танишлардан олган маъқул.

Бундай имконият бўлмаса, фикрингизча муваффақиятли ва даромадли бўлган асалари хўжалигига боринг ва асалари уяларини диққат билан кўздан кечиринг. Уядан асаларилар суст учиб чиқаётган бўлса, бу оила сизга тўғри келмайди, чунки улар фаровон эмас. Рамкалари ва ички томонида қорамтири доғлар бор уялар ҳам тўғри келмайди – бу белги қишида асалариларнинг ичи кетганилигидан дарак беради.

Она асаларини кўрсатишни сўранг. Унинг карпатча зотдан, сурат-



даги каби бўлгани маъқул. Бу Ўзбекистонда топиш мумкин бўлган асалариларнинг энг яхши зоти.



ОНА АСАЛАРИ – АСАЛАРИЛАР
ОИЛАСИДАГИ ЯГОНА ТҮЛИҚ
РИВОЖЛАНГАН УРГОЧИ АСАЛА-
РИ БЎЛИБ, У УРУГЛАНТИРИЛГАН
ТУХУМЛАР ҚЎЙИШГА ҚОДИР.

Она асалари қари эмаслигига ишонч ҳосил қилиш учун уяга дикқат билан қаранг.

Она асалари ёшлиги ва оила мустаҳкамли-гининганиқ белгилари рамкаларда личинка-ларнинг зич жойлашгани, эски бўлмаган ва қорайиб кетмаган уя ва қопқоқлар билан ўсти ёпилган тўқ рангли ячейкалар (уларда ғумбакка айланган личинкалар ётади) ҳисобланади. Ёш она асаларининг яна бир белгиси рамкаларда она асаларилар уясининг йўқлигига намоён бўлади³.

КАРПАТЧА ЗОТ – ДАСТАВВАЛ ҒАРБИЙ
УКРАИННИНГ ТОГ ОЛДИ ВА ТОГЛИ
ХУДУДЛАРИДА ЯШАЙДИГАН ЗОТ. ЮМ-
ШОҚ ТАБИАТИ, МЕҲНАТСЕВАРЛИГИ ВА
ҚИШКИ СОВУҚДА ЧИДАМЛИЛИГИ БИЛАН
АЖРАЛИБ ТУРАДИ.



ОНА АСАЛАРИЛАР УЯСИ – БУ ОНА АСАЛА-
РИ ЕТИШТИРИШ УЧУН МАХСУС ЯЧЕЙКА-
ЛАР. АВВАЛИГА АСАЛАРИЛАР МУМКАТАК
ЧЕТЛАРИДА ДУМАЛОҚ ЛИКОПЧАЛАР
ЯСАДИ, УЧ КУНДАН СҮНГ, ТУХУМДАН
ЛИЧИНКАЛАР ЧИҚАЧ, УЛАРНИНГ ДЕВО-
РИНИ ШАКЛАНТИРАДИ ВА УЛАРНИ ОНА
АСАЛАРИ УЯСИГА АЙЛАНТИРАДИ.



ОРҚАСИДА САРИҚ ДОФИ БОР ЙИРИК
АСАЛАРИ – КАРПАТЧА ЗОТГА МАНСУБ
ОНА АСАЛАРИ



ОНА АСАЛАРИ УЯСИ

³Она асаларилар уясининг сурати <http://beebazar.ru/> сайтидан олинган.



ТРАНСПОРТДА АСАЛАРИЛАРНИ ТАШИШ

Сиз танлаган уядан олинган ариларни уларни ташиш учун зарур бўладиган махсус қутиларда сотишади. Стандарт асаларилар пакетида иккита личинкали рамка ва иккита ёпқич (устки) асалли рамка бўлади. Уларни булутли кунда кўчириб бориб, кечки пайт уяга қўйган маъқул. Бу иш қўйидагича амалга оширилади – тўрттала рамка уянинг ўнг томонига – кўзига яқин жойланади – усти холст ва ёстиқ билан ёпилади.



АСАЛАРИЛАРНИ ТАШИШ УЧУН ПАКЕТ



ҚУТИ ИЧИДАГИ УСТИ МАТО ЁКИ КЎРПАЧА
БИЛАН ЁПИЛГАН РАМКАЛАР

БИРЛАМЧИ КЎРИК


Асаларилар кўчирилганидан сўнг бир ҳафта ўтгач, кўрикни ўтказиш керак. Бунинг учун уяни кўриқдан ўтказиш бўйича умумий қоидаларни билишингиз зарур.

Уяни кўриқдан ўтказиш пайтида унинг кўзи қаршисида турманг, чунки арилар сизни чақиши мумкин. Асаларилар оиласарини кўриқдан ўтказиш бирмунча вақтга уларни ҳаяжонлантиради, уларнинг иш қобилияти пасаяди ва шира йиғишдан үзилиб қолишади. Шу сабабли асаларилар билан бажариладиган асосий ишларни куннинг иккинчи ярмида ўтказган маъқул. Шамолли кунларда асаларилар билан иш бажарманг, чунки уянинг




иссиқлик режими бузилиб, үлар қаттық ғазабланиши мүмкін.

Асаларилар оиласини 15–16⁰C (сояда) паст бўлмаган ҳароратда кўриб чиқиш керак, жуда зарур бўлган ҳолатларда уяни тўлиқ очмасдан қисман кўриб чиқишига 12⁰C ҳароратда йўл қўйиш мүмкін.



Асаларилар билан иш бошлашдан олдин уянинг кўзига бир-икки тутун оқимини юборинг ва бироз вақт ўтгач, томини очинг. Қутидан рамкани олиш учун уни исказа билан жойидан оҳиста қўзғатинг, икки ёнидан ушлаб юқорига кўтариш ва дезинфекция қилинган қутига қўйинг. Рамкани эгиш ва тескари ўгириш мүмкін эмас, чунки ячейкалардан янги олиб келинган шира оқиши, мумкатақ эса синиши мүмкін. Бундан ташқари, она асалари рамкадан тушиб кетиши мүмкін. Бундан сақланиш учун кўрик пайтида рамкани қути устида ушланг. Шунингдек кўрик пайтида олинган рамкаларни қутига суяб бўлмайди, чунки унга асал тегиши ва бунинг натижасида ўғрилик содир бўлиши мүмкін (август ойини қаранг). Бунинг ўрнига олинган рамка кўчма қутига солинади ва усти ёпилади. Бу ишлар тезкор, айни пайтида тартибли бажарилади.



хотиржам бўлиши керак, бу оиласинг фаровонлигидан далолат беради. Катаклар зич тўлдирилган бўлиб, бўш қолмаслиги керак.

Кўрик пайтида асалариларнинг зичлиги, сонига, хатти-ҳаракатига эътибор беринг. Асаларилар



Бу она асалари ёш ва соғлом эканлигидан дарак беради.

Күрик пайтида рамкаларда она асаларилар уялари пайдо бўлганини кўрсангиз, бунда оилани иккига бўлишга тўғри келади. Она асалари, расплод ва асаларилар бор рамкани бошқа уяга ёки вақтинча пакетга кўчиринг. Ушбу рамкага иккита сушь рамкани қўшинг ва бу оилани қиём билан боқинг. Қиём бирга бир нисбатда аралаштирилган сув ва шакардан тайёрланади. Ҳар куни сушли рамкага 50–100 грамм ана шундай қиём қўйинг. Уларни учта тўлиқ расплодли рамка ҳосил бўлмагунча боқиб туринг.

УРУГЛАР (РАСПЛОД) — БУ АСАЛАРИЛАР ТУХУМЛАРИ, ЛИЧИНКАЛАРИ ВА ГУМБАКЛАРИДИР



Она асалари уяси бор рамкалар қолган уяларда рамканинг ўртасида жойлашган битта она асалари уясидан бошқасини йўқ қилинг. Ундан янги она асалари чиқади. Ушбу она асалари уясини синчилаб кўриш мумкин, унинг қопқоплари қуриб қолган бўлса, демак она асалари бир, кўпи билан икки кунда чиқади. Асалариларни она асалари катагидан чиқмаганунча боқиб туринг. Заруратга кўра сушли рамкаларни қўшиб туринг.



СУШЬ





БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСАЛАРИЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ХАВФСИЗЛИК ТЕХНИКАСИ

Асаларилар табиатан тинчликсевар мавжудотлар ва сабабсиз бирорвга ҳужум қилмайди. Айни пайтда барча бошловчи асаларичилар риоя қилиши лозим бўлган бир неча оддий қоида мавжуд.

БИРИНЧИ ҚОИДА

Асаларилар билан ишлаш пайтида одеколон ёки атирдан фойдаланманг, ўткир ҳидли нарсалар (масалан, пиёз, саримсоқпиёз) еманг, шахсий гигиенага риоя қилинг. Гап шундаки, асаларилар ҳидларга ниҳоятда таъсирчан. Ўткир ҳидлар ариларнинг жаҳлини чиқаради ва улар сизни чақиши мумкин.

ИККИНЧИ ҚОИДА

Асаларилар соч, жун ва тўқ рангларни ёмон кўради. Соч ёки соқолга тушиб қолса, улар ўралашиб қолади, қўрқади ва ҳужумга ўтади.

УЧИНЧИ ҚОИДА

Кескин ҳаракатлар қилманг. Асаларилар хўжалигида югуриш, қўл силташ ва бошқа кескин ҳаракатлар қилиш ularни чўчитади ва улар тажоввузкор бўлиб қолади. Шунингдек, уяга кўзи томонидан яқинлашманг.

ТЎРТИНЧИ ҚОИДА

Асаларилар билан ишлашда албатта олдида тўри бор бош кийим ва оқ халат кийинг.



Умуман, эътиборли бўлинг ва айнан нима асаларилар ғашига тегаётганлигини тушуниб оласиз. Вақт давомида улар билан мулоқот қилиш бўйича ўз стратегиянгизни ишлаб чиқасиз.


Барibir сизни ари чақиб олса, нишни тирноғингиз билан чиқариб олинг, аммо заҳри бор пуфакка тегманг. Дарҳол хўжалиқдан чиқиб кетинг, чунки заҳарнинг ҳиди бошқа асалариларни ҳам тажоввузкор қилиб қўйиши мумкин.

Чақиш жойи шишиб, қичий бошласа, совуқ компресс қўйинг. Доғлар пайдо бўлиб, юрак уруши тезлашса, дарҳол шифокорни чақиринг. Адреналин ёки эфедрил заҳарга қарши таъсир кўрсатади, аммо уларни фақат шифокор кўрсатмасига қўра қабул қилинг.



АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 2-ФАКТ

Асалари уясидан 8 км узоқликка учеб кетиши ва қайтиш йўлини хатосиз топиши мумкин. Аммо бундай узоқ масофага учиш асаларилар ҳаёти учун хавфли ва ишининг унумдорлиги нуқтаи назаридан кам самарали. Асалариларнинг фойдали парвози радиуси 2 км ни ташкил этади. Бундай парвоз давомида у 1200 гектарлик майдонни айланаб чиқишига қодир.



МАЙ ОЙИДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Илиқ баҳор-ёз мавсумида гул ва дараҳтларда гул чанги ва аралашмалари етарли бўлган пайтда асаларилар оиласи тез суратда кўпайиб боради. Уларнинг кўпайиши ва асал йифиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек асалариларнинг кўч бўлишининг олдини олиш мақсадида ўз вақтида уяларни кенгайтиришингиз зарур.

АСАЛАРИЛАРНИНГ КЎЧ БЎЛИШИ ДЕГАНДА ОНАЛИК ОИЛАСИНГ ДЕЯРЛИ ТЕНГ ИККИ ҚИСМГА БЎЛИНИШИ ТУШУНИЛАДИ. БУНДА, БИРИНЧИ ҚИСМИ АВВАЛГИ ЯШАШ ЖОЙИДА ҚОЛАДИ, ИККИНЧИ ҚИСМИ ЭСА (ҚАРИ ЁКИ ЁШ ОНА АСАЛАРИ БИЛАН БИРГА) ЯНГИ ТУРАР-ЖОЙ ИЗЛАШГА КИРИШАДИ. АСАЛАРИЛАР КЎЧИ - БУ ОНА АСАЛАРИ ОИЛАСИДАН АЖРАЛИБ ЧИҚДАН АСАЛАРИЛАР СОНИ. АСАЛАРИЛАР КЎЧИ - БУ ТАБИАТДА ТУРНИ АСРАФ ҚОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИГАН ИРСИЙ ХУСУСИЯТ.



АСАЛАРИЛАННИГ КҮЧ БҮЛИШГА МОЙИЛЛИГИГА ҚАТОР ОМИЛЛАР ТАЪСИР КҮРСАТАДИ: ТАБИАТИ, ОНА АСАЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ, ИРСИЯТ ВА ТУРМУШ ШАРОТИ, УЯНИНГ ЎЗВАҚТИДА КЕНГАЙТИРИЛМАГАНЛИГИ.

СУШЛИ РАМКАЛАР ҲИСОБИДАН УЯНИ КЕНГАЙТИРИШ



ЖИГАР РАНГ СУШЬ

Табиатдан олинадиган асаларилар озиғи (асал) ҳали унчалик кўп бўлмаган ҳолда уяни сушли рамкалар ҳисобидан кенгайтириш мумкин. Сушли рамка арилар урчиётган рамка ортидан четдан қўйилади. Гап шундаки, тухумли рамка янги қўйилган рамка билан қолганларидан ажратиб қўйилса, асаларилар она асаларини йўқ деб ўйлади ва бу рамкада она асалари учун уя қура бошлайди. Сушли рамкани асаларичилар жамиятидан сотиб олиш мумкин, даставвал битта қути учун 2 та сушли рамка сотиб олиш керак. Сушь қора эмас, оч жигар ранг ва тоза бўлишига эътибор беринг. Келгуси йил, эрта баҳорда уяни кенгайтирас экансиз, тухумлар етиштирилган жигар ранг сушдан фойдаланинг.

ВЗЯТОК — БУ АСАЛАРИЛАР
ТУРЛИ ЎСИМЛИКЛАРДАН
ЙИҒАДИГАН ВА УЯСИГА
ОЛИБ КЕЛАДИГАН ГУЛ ШИ-
РАСИ, ЧАНГИ, СУВ ВА АСАЛА-
РИЛАР ЕЛИМИ (ПРОПОЛИС).



Она асалари оч рангли рамкадан кўра, бундай фойдаланилган рамкани хуш кўради. Оч ранг қуруқликдан кечроқ — баҳорда фойдаланинг.

УЯНИ КЕНГАЙТИРИШ УЧУН СУНЬИЙ МУМКАТАҚДАН ФОЙДАЛАНИШ



Взяток кўпайганда сунъий мумкатақ ҳисобидан уяни кенгайтириш зарур. Мумкатакларни кўздан кечириш орқали бу ишнинг

вақтини тұғри белгилаш мүмкін – асаларилар ячейкалар деворларини оқ мум билан қуришни давом эттира бошлаганда сунъий мүмкатақ ҳисобидан уяни кенгайтириш керак.

Сунъий мүмкатақнны сотиб олишда унинг сифатига әထибор қаратинг — мүмкатақлар чўзиқ әмас, тұғри шаклда бўлиши, мүмкатақнинг ўзи эса оч сариқ тусли, шаффоф ва мустаҳкам бўлиши зарур. Эринмасдан битта тўпламдаги листларнинг сонини санаб чиқинг. Беш килоли тўпламда 58–60 дан ортиқ лист бўлмаслиги лозим. Уларнинг сони 70 та ва ундан кўп бўлса, бу мүмкатақлар юпқалигидан ва қуёшда эриб кетиши мүмкинлигидан далолат беради.



сунъий мүмкатақ листлари
тўплами

РАМКАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ

Мүмкатақни уяга қўйиш учун уни рамкага тортиб, ўрнатишингиз зарур.

Бунинг учун аввалига рамкага ёнламасига беш қатор сим тортинг. Биринчи сим рамканинг юқори қисмидан 20 миллиметр масофада жойлаштирилиши керак, қолган тўртта симни оралиғи тенг масофада тортинг. Симни тортиш учун аввалига бигиз ёки тешгич билан рамка планкасида зарур жойларда тешик ясанг, сўнгра симни барча тешиклардан ўтказинг, чиқиш жойида маҳкамлаб қўйинг. Сўнгра симни яхшилаб тортиш зарур.

Энди сунъий мүмкатақни бироз истилган ғалтакмола билан рамканинг юқори брусиға маҳкамлаш лозим. Бунинг учун рамка секинлик билан лекалода ётган мүмкатақка қўйилади. Сўнгра ғалтакмола шпораси билан симларнинг устидан юригизилади, натижада сим мумга сингиб кетади.



Тежамкорлик мақсадида рамкаларга сунъий мумкатақни полосалар билан ёки тұлық бүлмаган листларни үрнатиш керак эмас, бу асалариларнинг ишга лаёқатини пасайтиради ва күплаб әркак асаларилар пайдо бўлишига олиб келади.

Сунъий мумкатақли рамкаларни ён томондан, тухумли четки рамкалар билан асалли мумкатақлар орасига қўйинг. Ушбу рамка тухумлар билан тўлдирилганда уни уянинг ўртасига яқинроқ қўйинг.





БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСАЛАРИЛАР ОИЛАСИ ТАРКИБИ — ОНА АСАЛАРИ

Уяning марказий қисмидә ҳар доим бошқала-
рига нисбатан йирикроқ бўлган асаларини топа-
сиз. Унинг қорин қисми чўзиқ, тўла, қанотлари
фақат ярмини ёпиб туради. Ана шу она асаларидир. Унинг ягона
вазифаси авлодни давом эттиришдан иборат.

Она асаларилар она асалари уясида 16 кун давомида етилади.
Тахминан бир ҳафтадан сўнг, қуёшли илиқ кунда она асалари эр-
как асаларилар томонидан уруғлантирилиш учун ташқарига чиқа-
ди. У уядан узоқроқ — 4–7 км масофага унишга ҳаракат қиласди.
Бу ерда у бошқа оилалардан чиқсан эркак асалариларни учратади
ва бир неча ари томонидан уруғлантирилади, бу эса зот бузи-
лишининг олдини олади.

Уяда унга ҳар доим бошқа арилар ҳамроҳлик қиласди, уларнинг
бир қисми — тухум қўйиш учун катакларни тозалаш ва силлиқлаш
 билан шуғулланади, иккинчи қисми она асаларига ғамхўрлик қи-
лади — уни боқади ва параваришлайди. Ёзда она асалари боқувчи
асаларилар унинг учун ишлаб чиқарадиган мумкатақ сути билан
озиқланади, қишида эса, бошқа арилар каби асал ейди.

Она асалари жуда секин ва улуғворлик билан ҳаракатланади,
емишдан холи, тухум қўйиш мумкин бўлган мумкатақда туради.
Уруғлантирилгандан сўнг уч кун ўтгач тухум қўйишни бошлайди
ва бир кун давомида бир ярим–икки мингта тухум қўйиши мум-
кин. Тухумлар икки хил бўлади — бир қисми эркак асаларилар
уруғи билан уруғлантирилган, иккинчи қисми уруғлантирилмаган
бўлади. Агарда она асалари уруғлантирилган тухум қўйса, ундан
ишчи асалари ёки она асалари - урғочи асаларилар ривожланади.
Уруғлантирилмаган тухумни эса у маҳсус эркак асалариларга мўл-
жалланган катақка қўяди ва ундан эркак асалари ривожланади.



Она асалари ўн йил ва ундан кўп яшаши мумкин, аммо бу уни оиласа шунча вақт сақлаш керак, дегани эмас. Агарда она асалари кўп тухум қўйса, тахминан икки йилдан сўнг ўзининг тухумлари қуриб қолади ва кам тухум қўя бошлайди. Бундай асаларини олдиндан ёш она асаларига алмаштириш керак. Она асаларини ҳар йили янгилаш энг мақбул үсулдир.



АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 3-ФАКТ

Асалари танаси ўлчамини эътиборга оладиган бўлсак, унинг анча кучлилиги аён бўлади: у ҳавога ўзининг оғирлигидан икки баравар кўп бўлган юкни кўтаришга қодир. Асаларининг оғирлиги 100 мг атрофида, айни пайтда у 40 мг ли юк билан бир неча километрга учишга ёки 20 мглик бандни кўтаришга қодир. Усти ғадир-будур асалари ўз вазнидан 20 баравар оғир бўлган юкни кўтариши мумкин (от ўзининг вазинига тенг юкни торта олади).



ИЮНДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Асаларичилик билан эндиғина шуғуллана бошлаганингиз учун июнь ойидаги барча ҳаракатларингиз уяларни мунтазам кўрикдан ўтказиш (ҳафтасига бир марта, ундан кўп эмас) ва заруратга кўра уяларни сунъий мумкатақ ҳисобидан кенгайтиришдан иборат бўлади. Шу нарса ёдингизда бўлсин, уяларни ўз вақтида кенгайтириш асаларилар унумдорлигини оширади.



Асалари хўжалиги катталашганда уни гул шираси кўп жойларга кўчириш ҳақида бош қотиришингизга тўғри келади. Бу асал олишни ва даромадингизни кўпайтиради. Бунинг учун мамлакатимиз ҳудудларида турли ўсимликларнинг гуллаш мавсуми батафсил таърифланган ва асалариларни кўчириш бўйича тавсиялар келтирилган маҳсус адабиётга мурожаат қилишингизга тўғри келади. Масалан, Л.Булгакованинг «Кўчма асаларичилик учун асалга бой ўсимликлар» китобидан фойдаланишингиз мумкин. Бу китобни асаларичилар жамиятида харид қилиш мумкин.



БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСАЛАРИЛАР ОИЛАСИ ТАРКИБИ – ЭРКАК АСАЛАРИ

Трутень — бу эркак зотига мансуб асаларилар бўлиб, улар оиласа наслни давом эттириш учун керак. Ташқи кўринишига кўра улар ишчи асаларилардан узунроқ ва семизроқ, ниши йўқ.

Оилада эркак асаларилар ҳеч қандай ишни бажармайди, улар ҳатто гулдан шира йиға олмайди, атроф гуллаб ётган бўлса ҳам, ишчи асаларилар боқмаса, улар очликдан ўлиши мумкин. Уларнинг ягона вазифаси – она асаларини уруғлантириш. Уядা юзлаб эркак асаларилар пайдо бўлади ва асаларилар улардан озуқасини аямайди, уларни етиширишга ишчи асалариларга нисбатан 5–6 баравар кўп асал сарфлайди.


Эркак асаларилар жисмонан баққуват, уларнинг қанотлари кучли ва кўриш қобилияти яхши. Бу хусусиятлар уларга она асаларини кўриш, унга етиб олиш ва уни уруғлантириш учун зарур. Шундан сўнг дарҳол эркак асалари ҳалок бўлади. Қолган эркак асаларилар асал олингунча яшайди, шундан сўнг ишчи асаларилар уларни уядан ҳайдайди ва улар совуқдан ва очликдан ҳалок бўлади.





АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 4- ФАКТ

Асалариларнинг кўриш қобилияти бургутникидан яхшироқ. Унинг кўриш қобилияти инсонницидан бир минг баравар кучли. 1 км масофа катта асалари 8 мм ли предметни фарқлай олади.



ИЮЛДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Бу ойда асалариларнинг фаоллик билан асал йиғишда давом этади.


Асаларидан юқори даражада самарали меҳнат қилиши учун уялардан асални ўз вақтида олишингиз керак. Вақтида дейилганда – асалнинг серсув бўлмай қолиши, асаларилар эса ячейкаларнинг юқори қаторларини ёпа бошлиши даври тушунилади, буни кўрик пайтида пайқашингиз мумкин. Бундай асал етилган ва сифатли бўлади. Агарда у катаклар тўлиқ ёпилгунча уядага қолдирсангиз, асалариларнинг иши сустлашади.

ДИҚҚАТ!!! Жазирама кунларда қуёш нурлари остида турган уяларнинг устини майда пичан ғарамлари билан ёпиб қўйиш керак. Бу уяларни қизиб кетишдан сақтайди.



АСАЛ ОЛИШ

Асал олиш учун күннинг энг құлай вақти асала-рилар фаол шира түплаш билан банд пайт ҳисобланади, яғни кундузи соат 10 дан 16 гача. Гап шүндаки, асаларилар шира түплаш билан ово-ра бўлганда асалларини олиб қўйишаётганига камроқ эътибор қаратади ва камроқ асабийла-шади.



Рамкалардан асални тортиб олгач, уларни уяга, аввалги жойига қўйинг.

АСАЛНИ ТОРТИБ ОЛИШ

Асал олишни асаларилар кира ол-майдиган ёпиқ жойда амалга ошириш керак, шунда ўғриликнинг олди олинади (қаранг: Август).

Эндиликда мумкатақларни очиш мүмкин, бунинг учун жуда юпқа ва кенг тиғли пичоқдан (ёки маҳсус мумкатақларни очишга мўлжалланган пичоқлардан фойдаланинг).

Пичоқни иссиқ сувга солинг. Рамкани ён планкасини столга тая-ган ҳолда иситилган пичоқни қуидан юқорига ҳаракатлантириб, қопқоқларни кесиб олинг. Кесилган қопқоқларни тўрли идишга солиб қўйинг, ундан ҳали кўп асал оқиб тушади.



АСАЛ ОЛИШ УСКУНАСИ

Очилган мумкатақларни асал ҳайдаш ускунасига шундай жой-лаштиирингки, токи улар бир-бирининг мувозанатини таъминла-син. Яғни, ускунага вазни бир хил мумкатақларни ёки тахминан тенг вазни мумкатақларни бир-бирининг қарама қархисига



қўйинг. Асал ҳайдаш ўскунасини секин айлантиринг, бунда қўйи планкаси олдинга қарасин, сўнгра кассеталарни ўгиринг. Сўнгра яна секинлик билан айлантира бошланг, аста-секин тезликни оширинг. Мумкатақнинг иккинчи томонидан бутун асал тортиб олингач, уларни яна биринчи томони билан ўгиринг ва ўскунани катта тезлик билан айлантиринг, бунда биринчи томондаги асал қолдиқлари тортиб олинади. Гап шундаки, мумкатақлар вазни оғирлиги пайтида ҳатто суст айлантириш ҳам асални тортиб олиш учун етарли марказдан четлашувчи кучни беради. Мумкатақлар енгиллашгани сайин асални тортиб олиш учун катта тезликда айлаштириш зарур.

Мумкатақларингиз янги қурилган бўлса, асални тортиб олишда уларни шикастлаши эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли ўскунани кичикроқ тезликда айлантиришга ҳаракат қилинг. Агарда мумкатақлар тўқ рангли ва мустаҳкам бўлса, ҳайдаш тезлиги уларга шикаст етказмайди.

Сиз боқаётган ҳар бир асалари оиласидан қанча асал олганингизни албатта қайд этинг. Бу маълумот кучли оиласаларни аниқлаш ва асалари хўжалигига наслчилик ишларини олиб бориш учун керак бўлади.



БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР
АСАЛАРИЛАР ОИЛАСИ ТАРКИБИ – ИШЧИ АСАЛАРИ

Ишчи асалари аслида яхши ривожланмаган урғочи аридир. Жинсий органлари деградацияга учрагани сабабли у тухум қўя олмайди, айни пайтда оналик инстинктни сақлаб қолган – у ғумбакларга ғамхўрлик қиласиди.

Ишчи асаларилар уяга асал, гул чанги аралашмаси ва сув олиб келади, улар айни пайтда кўплаб зарур вазифаларни бажаради. Улар ўз танасидан мум ишлаб чиқаради, буни ари қорни айланана-



лари орасидаги қатламлар ёрдамида ҳосил қиласы. Ушбу мүмдан асаларилар мүмкатаclar қуради. Шунингдек, улар она асалары личинкалари ва ариларнинг ўзини боқиш учун она асалары сутини ишлаб чиқаради. Бундан ташқари асаларилар уяни иситиш учун тешикларни алоҳида модда – прополис ёрдамида беркитиб чиқади.

Ишчи асаларилар турли вазифаларни бажаради – ҳимоячи асаларилар бор, улар уянинг кўзи олдида бўлиб, ўзга ариларни киритмайди, она асаларини парвариш қиласидиган арилар, қурувчи арилар, разведкачи арилар ва шира йиғувчи арилар бор. Оила эҳтиёжларидан келиб чиқиб, асаларилар тезкорлик билан битта вазифадан иккинчисига ўта олади.

Асаларилар оиласи уюшқоғлиги, хатти-ҳаракатлари мослашганлиги билан ажралиб туради. Бунинг учун улар иккита асосий механизмга эга. Биринчидан, ҳидлар фавқулодда аҳамиятга эга. Ҳар бир оила бетакрор ҳидга эга бўлиб, унинг ёрдамида асаларилар бир-бирини таниб олади. Бу ҳид уяга кириш учун рухсатнома вазифасини ўтайди, уни сездириб, арилар уясига киради. Шунингдек ҳидлардан асаларилар она асаларининг аҳволи қандайлигини, оиласидаги аҳвoldан хабар топади. Зеро бу нарсалар нормал турмуш кечириш учун зарур бўлиши мумкин. Ҳаракатларни мувофиқлаштириш бўйича иккинчи мухим механизм уларнинг рақс тушишида ифодаланади. Разведкачи арилар алоҳида ҳаракатлар ёрдамида бошқа ариларга ширали ўсимликлар жойлашган жой, унгача бўлган масофа ва ҳатто мавжуд ширанинг тахминий ҳажми ҳақида хабар беради.





АВГУСТ

АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 5- ФАКТ

Асаларичи тутун ёрдамида асалариларни тинчлантирмайды, балки ёнғин имитациясини ҳосил қиласы. Қадимдан үрмөнлөрда яшаб келгандар арилар тутун пайдо бўлганда асалга ташланади ва узоқ сафарга уни ғамлаб олмоқчи бўлади. Асаларининг қорни тўқ бўлиб, бўкулмай қолса, у нишини ишга кола олмайди.



АВГУСТДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Августда аста-секин асал йиғиш якунланади ва якуний асал тортиб олиш амалга оширилади. Турли ўсимликлардан йиғиб олинган асални тўлиқ, қолдиқсиз йиғиб олиш керак.

Айни пайтда эски сушли рамкаларни ажратиб олишни бошлаш керак. Асалариларнинг бир неча авлоди вояга етгач, сушли рамкалар эскиради ва қораяди. Бундай сушни ўз вақтида сұнний мумкатакли рамка билан алмаштириш зарур, чунки ҳар бир авлод чиқарилиши баробарида ячейкалар кичрайиб боради ва улардан майда ва тўла қонли бўлмаган асаларилар етишиб чиқади. Шунингдек, эски сушли рамка тухумларнинг касалланиши ва мум куяси ривожланишига сабаб бўлиши мумкин.

МУМ КУЯСИ – КИЧИК
ҲАЖМЛИ КУЛ РАНГ КАПАЛАҚ,
УНИНГ ҒУМБАКЛАРИ
АСАЛАРИ МУМИНИ ЕБ,
ҲАЗМ ҚИЛИШГА ҚОДИР



Умуман, йилига хўжаликдаги сушли рамкаларнинг учдан бир қисми сунъий мумкатакли рамкаларга алмаштирилиши керак. Эски сушли рамка мум эриткичда эритилади.




БУГЛИ МУМ ЭРИТКИЧ



МУМ ЭРИТКИЧДА ҚОЛГАН МЕРВА
(ЭРИГАН НАРСАЛАР) ВА
ЭРИТИЛГАН ТОЗА МУМ

Мум эриткичини харид қилишнинг иложи бўлмаса, ўзингиз қўёшли мум эриткич ясашингиз мумкин⁴.



Қўёшли мум эриткич – расми ва чизмаси



⁴Қўёшли мум эриткич расми ва чизмаси қўйидаги сайтдан олинган:
<http://www.fermer1.ru/>

Бунинг учун қути ясайсиз, унинг битта ён томони иккинчисидан анча паст бўлсин. Унинг усти шиша билан ёпилади, ичига эса чети йўқ идиш қўйилади. Идишни оғдирилган ҳолатда қўйинг, олдига эгилган ҳолда катта идиш ёки тоғора қўйилади, унга эриган мум оқиб тушади.

Олинган мумни асаларичилар жамиятига олиб боринг, у ерда мумни сунъий мумкатакли тўпламларга алмаштириб оласиз.



БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСАЛАРИЛАРДА ЎҒРИЛИК

Ҳар гал уяни кўздан кечирар экансиз, сиз асалариларни хавотирга соласиз ва вақтингчалик оиласининг нормал турмушини бузасиз. Асаларилар уядаги ним қороғуликка ўрганган, сиз қопоқни очганингизда бутун уяга тўғри қўёш нурлари тушиб, уни ёритади. Бундай кескин аралашувдан асаларилар асабийлашади ва улар ўз вазифаларини бажармай қўяди: она асалари тухум қўйишни тўхтатади ва уя ичига кириб кетади, энага асаларилар ғумбакларга қарамай қўяди, кўзни қўриқлаш сусаяди. Айни пайтда ён-атрофга асалҳиди таралиб кетади.

Агар бу пайтда атрофда ширали гуллар кўп бўлмаса, ёнидан учеб ўтаётган арилар дарҳол очиқ уя томон йўналади. Оила тартибсиз аҳволга тушиб қолгани сабабли ўғри асаларилар бирон-бир тўсиқсиз асалдан тўйиб олади ва ўз уяси томонга учади. Бир неча дақиқадан сўнг улар яна бошқа ариларни эргаштириб, қайтиб келади. Бу ҳол такрор ва такрор содир бўлади ва тобора кўпроқ асаларилар уяга кириб, асал ўғирлашга ҳаракат қиласи. Соқчи асаларилар уяни ўзгалар ҳужумидан ҳимоялай олмаса, ҳужмкор асаларилар уя ичига кириши ва ҳатто она асаларини ўлдириши мумкин.

Бу ҳолда ушбу уяда яшаётган оила ҳалокатга учрайди. Ҳимояла-



наётган уя арилари чекинади, асалдан олиб, ўғри асаларилар уяси томон учыб кетади. Ҳужумга учраган уя талон-тарож қилинади ва оила барбод бўлади. Бу ҳужум деб аталади.

Бошланган ўғриликни деярли тўхтатиб бўлмайди ва бу ҳақиқатдан ҳам оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли ўғрилик-нинг олдини олишга ёрдам берувчи оддий қоидаларга амал қилиш керак.

БИРИНЧИ ҚОИДА

Асал олишда унинг бир томчисини ҳам ерга томизманг, асалли мүмката克拉рни асаларилар кира олмайдиган жойга қўйинг.

ИККИНЧИ ҚОИДА

Агарда оила унчалик мустаҳкам бўлмаса, уя кўзини тўлиқ очиб қўйманг.

УЧИНЧИ ҚОИДА

Асалариларга фақат тунда ёки улар уча олмайдидан об-ҳаволи кунларда қўшимча овқат беринг.






СЕНТЯБР

АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ — 6-ФАКТ

Бир килограмм асал олиш учун асаларилар 4500 марта парвоз қилиши ва 6–10 млн гүлдан шира олиши керак. Күчли оила бир кунда 5–10 кг асал (10–20 кг шира) түплаши мумкин



СЕНТЯБРДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Сентябрда асалариларни күзги озиқлантириш ишлари бошлана-ди. Күзги озиқлантириш асалариларни рағбатлантириш, қиши да-вомида ёш асалариларнинг ўсиши учун зарур. Құшимча озиқлан-тирилганды ва уяды янги ғұмбаклар пайдо бўлганда асаларилар қўнгут билан гул чанги излаб учиб кетади.

ОЗИҚЛАНТИРИШ УЧУН МОСЛАМА ЯСАШ

Аввалига озиқлантириш учун мослама ясанг, бу ишни үй шароитида бажариш мумкин.

Сиз озиқлантириш рамкасини ёки рамка устига ўрнатиладиган озиқлантириш мосламасини ясашингиз мумкин.

Озиқлантириш рамкасини ясаш учун оддий рамкани олинг. Унинг






ОЗИҚЛАНТИРУВЧИ РАМКА

юқори планкасини олиб ташланг, ёнларида ушлаш учун жой қолдиринг. Юқоридан 15 сантиметр масофада, ён планкалар торайиб борадиган жойда ёnlamasiga яна битта планка ўрнатинг. Энди ён планкаларга фанерани шундай қилиб қоқингки, қиём учун идиш ҳосил бўлсин. Барча тирқишиларни эритилган мум билан ёпинг. Сўнг қиём қўйинг, устига пайраха ёки чўп ташланг ва ушбу рамкани уя-ning энг четки қисмига қўйинг.

Иккинчи шакли унча катта бўлмаган ясси қути бўлиб, унинг туби фанерадан, ёнлари қалин бўлмаган тахтадан ясалган.

Бундай қутининг баландлиги 4 сантиметр, кенглиги 20 сантиметр ва узунлиги 30 сантиметр бўлиши керак. Барча тирқишилар эритилган мум билан қопланади. Қутининг ён томонидан арилар ўтиши учун йўлак қилинади, тепадан озуқа устига юпқа чўплар ташлаш керак, улар асалариларга чўкмасликка ёрдам беради. Идишнинг устига шиша ёпиш ва рамкани шундай қўйиш керакки, йўлак рамкаларнинг ёnlamasiga тўғри келсин.





қути шаклидаги озиқлантириш мосламаси схемаси
шиша плот — арилар учун ўтиш жои



ҚҰШИМЧА ОЗИҚЛАНТИРИШ

Энди тенг нисбатда шакар ва тоза қайнатилған сувни аралаштириб, қиём тайёрлаш керак. Түрли касалликларнинг олдини олиш учун қиёмга тетрациклин құшиш тавсия қилинади, бунда 4 литр қиёмға 1 грамм тетрациклин құшилади. Уяда асал умуман бүлмаса, битта оиласа үртача 12 литр қиём керак бўлади. Заруратга кўра, асаларилар бирон хасталикка чалинса, қиёмга бошқа дорилар ҳам қўшилиши мумкин. Дориларни асаларичилар жамиятида сотиб олиш мумкин, у ерда у ёки бу касалликларни даволаш бўйича батафсил маълумот ҳам берилади. Шуни ёдда тутиш зарурки, қиёмга дорилар алоҳида солинади, уларни аралаштириб бериш мумкин эмас.



Бу тарзда олинган қиёмни кунига 100–200 граммдан, ёки кунора ярим литрдан бериб туриш маъқул.


Углеводли озуқа — қиёмдан ташқари асалариларга оқсилли озуқа — ўсимликлар

чангி ҳам керак. Ўсиб бораёган ғумбакларни боқишида улар ўз оқсилларини ишлатади. Гул чангиги захирасини яратиш учун асаларилар уларни ячейкаларга жойлаб, устидан асал суртади. Ҳар бир асаларилар оиласида бир-иккита пергали рамка бўлиши зарур. Перга етишмаган ҳолларда асаларичи совуқ ва асаларилар уч-



олмайдиган ҳавода асаларилар оиласига перга ўрнини босувчи озуқа берилади.

Бундай озуқани тайёрлаш учун соя ўсимлиги үнини капрон элакдан ўтказинг ва бироз қовуринг. Сўнгра икки қисм шакар бир қисм сув нисбатида қиём тайёрланг, унда хамиртуруш эритинг. Хамиртуруш қиём тайёрлаш учун олинган сув ҳажмидан икки баравар кам бўлиши керак. Масалан, бир литр сувга икки кило шакар ва 0,5 хамиртуруш олинг. Хамиртурушли қиёмни қайнашга яқин ҳароратгача иситинг, аммо қайнатманг, сўнгра совутинг. Совуган қиёмга тайёрлаб қўйилган сояли үнни солинг, бунда ҳосил бўлган хамир оқмаслиги керак. Тайёрланган оқсилли озуқани уяга рамкаларнинг устига қўйинг. Бундай озуқанинг 200–400 грамми бир ҳафтага етади.





БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСАЛАРИЧИЛИК КАСАЛЛИКЛАРИ – ЛИЧИНКАЛАР КАСАЛЛИГИ

АМЕРИКАЧА ГНИЛЕЦ

Оила америкача гнилец билан касалланганини ташқи кўринишдан билиш мумкин: бунда тухумли ячейкалар қопқоқлари тушган ёки тешилган бўлади. Аввалига личинкалар оч қўнғир тусли бўлади, сўнgra қорайиб кетади. Улардан эритилган дурадгорлик елими ҳиди келади, аммо ҳиди ўткир эмас. Личинка шаклсиз массага айланади, уни ячейкадан чўп билан чиқариб ташлаш мумкин. Масса чўзилувчан бўлади.

Личинкалар касалланганини аниқласангиз, уларни бошқа уяга кўчириш зарур бўлади. Бунинг учун барча ариларни битта қутига қоқиб тушириш керак ва у ерда 2 кун сақлаш керак. Бу пайтда улар зобиларидағи асал захираларини еб бўлади ва заарланган асални янги қутига олиб ўтмайди. Икки кундан сўнг асаларилар янги ёки дезинфекция қилинган янги мумкатакли эски уяга кўчирилади.

Заарланган уядаги барча асалли рамкаларни чиқариш ва асалини тортиб олиш керак. Сушли рамкаларни асаларилардан холи қилиш ва мум эриткичда эритиб олиш керак. Олинган асални, фақат совуқ тушганда ейиш мумкин. Асалариларни озиқлантириш учун бундай асал ярамайди.

Барча рамкаларни ва заарланган оила уясини кавшарлаш лампаси олови билан кўйдириш, бунда ёнғиндан эҳтиёт бўлиш қоидаларига риоя қилиш керак ёки ёқиб ташлаш лозим. Холстларни, барча металл инвентарни ярим соат қайнатиш керак. Асал ҳайдаш ускунасини икки марталаб совун ва иссиқ сув билан ювиш ва яхшилаб офтобда қуритиш керак.



Касаллик жұда юқумли ва даволаш қийин бүлгәнлиги сабабли яхшиси уяни асаларилар, рамкалар ва сушлар билан бирга ёқиб юбо-риш керак. Фақат олдин асални олиш керак.

ЕВРОПАЧА ГНИЛЕЦ

Оила европача гнилец билан касалланғанligини қолдирилган ячейкалар ва усти ёпилған расплод орасида тухумли ва ёш личинкалы ячейкалар борлигидан, шунингдек ўзига хос үткір, чиришни эслатувчи нордон ҳиддан билса бўлади. Европача гнилец америка-часидан шуниси билан фарқланадики, европачасида личинкалар ғумбакка айланмасдан ҳалок бўлади. Ўлган личинкалы ячейкаларга қарасангиз, уларнинг ички томони майин тук билан қопланганини кўрасиз.

Одатда, кучли асаларилар оиласи бундай касални ўзи енгади, айни пайтда үларга норсульфазол-натрий қўшилған қиём беради, шунингдек қиёмни зааралangan мумкатақларга сепиш мумкин. Бу ҳам ёрдам бермаса, америкача гнилецдаги каби иш тутиш керак.

ОҲАКЛИ РАСПЛОД

Агарда оқ моғор қоплаган сарғиши личинкаларни кўрсангиз, демак оила оҳакли расплод касалигига чалинган. Моғорлаган личинкалар қурийди ва қуриган совун бўлакларига ўхшаб қолади.

Бундай касалликдан қутулиш учун мумкатақларнинг зааралangan қисмларини кесиб ташлаш керак.

ТОШЛИ РАСПЛОД

Бу касаллик оҳакли расплодга ўхшаш, фақат моғорнинг ранги оқ эмас, балки яшилсимон ёки кўкимтири бўлади. Бу касаллик катта ариларга ҳам юқади, улар ўлар экан, усти моғор қоплаган тош мумиёга ўхшаб қолади. Шуни ёдда тутиш керакки, бу касалликни



қүзғатувчи замбуруғ одамлар учун ҳам хавфли. Шу сабабли касалланган уя билан ишлаш пайтида замбуруғ спораларни ютмаслик учун бурун ва оғизни беркитиш керак. Бундай аралашмадан олинган асал одам учун хавфлидир, фақат қирқ дақиқа давомида қайнатиш орқали асал заарсизлантирилиши мумкин.






ОКТЯБР

АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ — 7-ФАКТ

Асаларилар күчининг оғирлиги 7–8 кг бўлиши мумкин, унда 50–60 мингта асалари бор, ularнинг ичидаги 2–3 кг асал бўлади. Ёмғирли ҳавода асаларилар асал заҳираси билан 8 кун давомида озиқланиши мумкин.



ОКТЯБРДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Октябрда аста-секин асалариларнинг ҳаётий фаоллиги сусаяди. Расплод миқдори аста-секин камайиб боради, она асалари тез-тез тухум қўйишдан тўхтайди. Улардаги модда алмашинуви се-кинлашади, улар совуққа тайёрлана бошлайди. Совуқ об-ҳавони кутар экан, улар бутун қути тешикларини прополис билан тўлдира бошлайди.

Бу пайтда давомли кузги ёмғир бошланмасдан, уяга капа қўзғатувчи расплод ва катта асаларилар касаллиги — варроатозга қарши ишлов бериш керак. Бунинг учун асаларичилар жамиятида маҳсус воситалар сотиб олиш ва уларни йўриқномага мувофиқ қўллаш керак. Агар асаларилар бошқа бирон касалликдан азият чекса, буни албатта ҳисобга олиш ва уяга ишлов бериш учун



воситалар танлаш керак.

Умуман, күзда уч марта, заруратга кўра ишлов берилади.

Шунингдек, асалариларни сентябрда бўлгани каби, шифоли қиём билан боқиш керак.



БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР
АСАЛАРИЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ —
КАТТА АСАЛАРИЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ

ВАРРОАТОЗ

Асаларилар варроатоз билан касалланганини қути тубида ўлиб ётган 2 миллиметрлик каналарни кўрганда тушунасиз. Шунингдек расплодли мумкатаклар ола-була бўлиб қолади, ёпиқ ячейкалар орасида бўш қолдирилганлари ҳам бўлади. Ўлган ғумбаклар танасида капаларни кўриш мумкин. Ўлган асаларилар қанотсиз бўлади, чунки капалар асалари қанотларини ва барча тукли қопламасини ейди.

Варроатозни даволаш учун уяни ва рамкаларни совунли сув билан ювиш, сўнг тоза сув билан чайиш керак. Ундан кейин ҳамма нарсани тетрациклини сув билан чайиш лозим (бу эритма 40 литр сувга у ош қошик нисбатида тайёрланади). Асални олиб қўйиш мумкин, сушли рамкани ҳам тетрациклини сув билан ювиш лозим.

Ҳар қандай юқумли касаллиқда асалариларнинг ўлигини шунчаки ташлаб юборманг. Уларни йиғиб, кўмиш керак, токи инфекция тарқалиб кетмасин.

НОЗЕМАТОЗ

Нозематозни юқумли ич кетиш деб ҳам аташади. Енгил шаклда бўлса касалликни сезмаслик ҳам мумкин. Касаллик кучли ривож-



ланган бўлса, уяда ва рамкаларда жигар ранг қорамтири доғлар, уя кўзи олдида ўлик асаларилар қолади. Арини қўлга олсангиз, қорни шишганини кўрасиз, уни оҳиста боссангиз, ичидағилар ажраби чиқади.

Асаларилар нозематоз билан касалланганини аниқласангиз, уларни янги, дезинфекция қилинган уяга кўчириш лозим. Ифлосланган уя ва рамкаларни сушни кесиб олгач, яхшилаб дезинфекция қилиш керак ва ҳатто кавшарлаш лампаси олови билан куйдириш мумкин. Касал оиласдан олинган сушли рамкани ҳеч қачон бошқа оиласлар уясига қўйманг ва бундай рамкаларни сақламанг. Бундай сушни мум эриткичда қуритиш ёки формалин ёки бошқа моддадар солинган сув билан тозалаш керак.

АКАРАПИДОЗ

Акарапидоз, бу капалар қўзғатадиган яна бир касаллик. Уни уя ёнида судралаётган кўп сонли асалариларга қараб билиш мумкин. Бунга қўшимча равишда асалариларнинг бир қисми қанотларини ёйган ҳолда уя кўзи ёнида ўтиради.

Бу капаларни скипидар, этил ёки метил салицилатнинг заҳарли буғлари билан ўлдириш мумкин. Қандай моддани ишлатишдан қатъий назар, йўриқномасини диққат билан ўқинг ва албатта яроқлилик муддатини текширинг.





НОЯБР

АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 8- ФАКТ

Она асалари одамни ҳеч қачон, ҳатто унга зарар етказган тақдирда ҳам чақмайди. Аммо рақибасини учратар экан, аёвсиз ниш уради.



НОЯБРДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Ноябр – асосий күзги күрік вақти, бунда оиланинг кучи баҳоланади ва уялар қишига тайёрланади.

Сентябр ва октябр ойларида асаларилар қиёмни шифобаҳш асалға айлантириб бўлишди ва бу уларга қишки озуқа бўлиб хизмат қиласиди. Ҳар бир оиласа бундай асалдан 11 килограммдан кам қолмаслиги, ҳар бир рамканинг оғирлиги эса 3–4 килограммдан кам бўлмаслиги керак. Шунингдек, ҳар бир уяда асалли рамкаларнинг ташқи четидан камида иккита гул чангли рамка қолиши керак.

Оила қишини яхши ўтказиши учун унда камида тўртта асаларили рамка бўлиши керак. Асаларилар сони камроқ бўлса, оила кучсиз ҳисобланади. Бундай оиласа ёрдам бериш учун унга бошқа ана шундай оиласдан асалариларни қўшиш керак, бунда она асалари-



лардан биттаси ўлдирилади. Энди она асаларисиз қолган оила-дан барча ортиқча бүш рамкалар олиб қўйилади ва битта асалли рамка қўшилади. 10–20 см масофада олдиндан иккита тўсиқ қўйилган ҳолда иккинчи уядан олинган рамкалар қўйилади. Она асалариси йўқ оила аста-секин бошқа томонга ўтиб олади ва икки кундан сўнг тўсиқларни олиб ташлаб, рамкаларни бирлаштириш мумкин.

Барча уяларни иситиш, бүш рамкаларни олиб қўйиш, тўсиқларни рамкалар ортига қўйиш керак, бу асалариларга совқотмасликка ёрдам беради. Озуқа қутиларини олиб қўйиш керак, рамкалар устига газета, сўнг мато ва ёстиқ қўйилади. Барча материаллар қўппа-қуруқ бўлиши лозим. Уя кўзини 1–3 сантиметргача қисқартириш керак. Уяларни ердан 40 см баландликда ўрнатиб, қопқоқ устидан пленка ёки қорақоғоз ёпиш керак, токи ичига сув тушмасин. Шуни ёдда тутиш зарурки, захлик асаларилар учун ҳатто совуқ ҳароратлардан ҳам хавфлидир.



БИРОЗ НАЗАРИЙ МАѢЛУМОТЛАР
АСАЛАРИЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ.
ЮҚУМСИЗ КАСАЛЛИКЛАР

ШАМОЛЛАГАН РАСПЛОД

Баъзан йилнинг совуқ фаслларида уянинг четига яқин жойлашган расплодли ячейкалар паст ҳаводан заарланиши мумкин. Личинкалар ўлганини уларнинг ранги ўзгарганидан билиш мумкин. Шуниси эътиборлики, ҳар бир ячейкадаги личинкалар ўлади. Юқумли касалликларда бўлгани каби соғлом ва касал личинкаларни аралашган ҳолда кўрмайсиз.

Личинкалари касалланган барча мумкатаклар кесилади ва қайта эритилади.



ИЧ ҚОТИШИ

Об-ҳаво ёмон бўлганда ёш асалариларда ич қотиши рўй бериши мумкин. Бу уларнинг ичаги чангга тўлиб қолиши натижасида рўй беради. Бу ҳолда ёш асаларилар уя ёнида худди ҳавога кўтарилимоқчи бўлгандек ғалати хатти-ҳаракатлар қиласи.

Уларга ёрдам бериш учун сув ҳар доим етарли миқдорда бўлишига эътибор беринг. Шунингдек ариларга илиқ қиём бериш мумкин.

ИЧ КЕТИШИ

Асаларилар ич кетишга учраганини уя ва рамкалардаги сарғиш доғлардан билиб олиш мумкин. Нозематоздан фарқли равишда доғларнинг ранги тўқ жигарранг эмас, сарғиш бўлади.

Кўпинча асаларилар совуқ пайтларда, шунингдек уларга қишига қолдирилган асалнинг сифати ёмон бўлса, ич кетишга учрайди. Бу ҳолда асалариларни илиқ қиём билан боқиш керак.






ДЕКАБР

АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 9- ФАКТ

Асаларилар ячейкасы – табиатдаги идишнинг энг оқилона геометрик шакли, уни қуришга энг кам миқдорда материал талаб қилинади (100 та асалари ячейкасига — 1,3 г мум), конструктив мустаҳкамлiği ва сиғимига кўра ячейкага тенг келадигани йўқ.



ДЕКАБРДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Совуқ тушиши билан асаларилар ўзларига мақбул ҳароратни сақлаш бўйича қишки клубни ташкил этади.

Бу пайтда сиз асалари хўжалиги ишларидан чалғиб, ўз асбоб-ускуналарингизни тартибга солишингиз, эски сушни эритишингиз, келгуси баҳорга эҳтиёт уяларни ҳозирлаб қўйишингиз мумкин.

Тез-тез кўрик ўtkазиш орқали асалариларни ташвишлантирмаслик керак, бунинг ўрнига уянинг кўзига шланг тиқиш орқали уларни тинглаб кўриш мумкин. Уянинг деворига чертиб, тинглаб кўринг. Баланд ғовур-ғувур эшитилиб, дарҳол тинса, демак ҳаммаси жойида. Агарда қуруқ, чирсиллайдиган овоз эшитилса, демак уяда озуқа етишмайди. Озуқа етишмаганда асалариларга илиқ асал ёки қиём бериш керак, шуни ёдда тутингки, буни заруратсиз ва жуда совуқ ҳавода қилиш керак эмас.



Агарда декабрнинг ўрталарида ҳаво ҳарорати 15°С дан ошса, кўрик ўтказиш мумкин. Шу билан бирга оиласа варроатозга қарши дорилар, масалан, бипин билан ишлов бериш мумкин.

Кўрик пайтида мумкатақдаги асалга алоҳида эътибор қаратиш керак. Унинг кристалланишига йўл қўймаслик керак, чунки бунда асаларилар овқатланишига қийналади. Агарда асал кристалланган бўлса, асалариларга қўшимча озуқа бериш шарт.

БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСАЛАРИЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ – АСАЛ



Асал уч хил бўлади – гул асали, падев асали ва шакарли қиёмдан олинган асал.

Гул асалини асаларилар гул ширасидан ҳосил қиласди. Шира қайси ўсимлиқдан олинганига кўра асал мазаси, ранги ва зичлигига кўра кескин фарқланиши мумкин. Падев асали – бу асаларилар томонидан медявной шудрингдан ёки турли ўсимликларда яшайдиган ўсимлик битининг ширали ажратмаларидан йиғилган. Шуни ёдда тутиш керакки, бундай асални асалариларга қишига қолдириб бўлмайди, аммо уни одам истеъмол қилиши мумкин. Асалда падъ борлигини аниқлаш учун, асал, сув ва этил спиртни олиб, пробиркага бир қисм асал, бир қисм сув ва 10 қисм спирт солиш керак. Аралашмани яхшилаб чайқатиш ва 1–2 дақиқа ушлаб туриш керак. Бу пайтда аралашма шаффоф бўлиб қолса, демак падъ йўқ. Ранги ўзгариши ва/ёки парчалар пайдо бўлса, падъ борлигидан далолат беради.

Гул асали ўзининг хушбўйлиги ва ноёб таркиби туфайли қадрланаиди. Чунки шакардан ташқари, унинг таркибида оқсиллар, аминокислоталар, турли витаминлар гуруҳлари мавжуд. Шу сабабли асални сақлашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Шуни ёдда тутингки, истиш пайтида асал фойдали хусусиятларининг бир қисмини ва хушбўйлигини йўқотади. Асални сақлаш учун энг мақбул ҳарорат 10–20 градус.



Агарда ҳарорат 42°C дан ошса, асал анча фойдали моддаларини ва хушбўйлигини йўқотади.

Асраш пайтида асал кристаллашиши керак.

Асалнинг кристаллашишга мойиллиги унинг намлиги, шунингдек қандай гуллардан шира йиғилганлигига боғлиқ.

Асалнинг айрим навлари умуман кристалланмайди.

Бошқалари мумкатақда туриб кристаллашиши мумкин. Кристалланган асални 40 градусли сув ҳаммомида эритиб, суюқ ҳолатга келтириш мумкин. Аммо иситишнинг салбий таъсирини ҳам ёдда тутиш керак.

Кристаллашишдан ташқари асалнинг ферментацияси содир бўлиши мумкин. Бу хамиртуруш замбуруғлари туфайли пайдо бўлган асалнинг ачишидир. Ферментацияга учраган асал нордон бўлиб қолади. Асалда намлик қанча кўп бўлса, ферментацияга мойиллик шунча ошади. Ферментациянинг олдини олиш учун асаларидан фақат етук асални олиш керак, чунки унда намлик камроқ бўлади ва уни совуқ ҳароратларда, масалан қишида истилмайдиган ертўлада сақлаш маъқул.






ЯНВАР

АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 10- ФАКТ

Асалариларнинг душмани ва текинхўрлари кўп бўлади, шу сабабли уяга кириш жойи соқчилар томонидан ишончли қўриқланади, улар ҳар қандай пайтда чақирилмаган меҳмонга ташланишга шай туради. Ўзга уяга биронта бегона ари кира олмайди. Ҳар бир уянинг ўз ҳиди бўлади ва у одамга билинмайди. Асалари бу ҳидни танасининг алоҳида чукурчасида сақлайди. Кўзга яқин учуб келар экан, асалари уни очади ва соқчиларга уни рухсатнома сифатида кўрсатади.



ЯНВАРДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Одатда, январ йилнинг энг совуқ ойи ҳисобланади. Бу пайтда асаларилар мудроқ ҳолатда бўлади. Шуни билиш зарурки, бу ҳолатда ҳар бир асалари уянинг тубига тушиб қолса, юқорига чиқа олмайди ва совуқдан нобуд бўлади.

Заруратга кўра уянинг томидаги қорни сидириб туринг, ёстиқ ва холст уядан чиқиб қолмаслигини кузатинг, акс ҳолда улар нам тортиши мумкин ва намдан асаларилар ўлади. Қорни тозалашда уяни қимирлатмасликка ҳаракат қилинг, токи асаларилар пастга тушиб қолмасин.

Уянинг кўзи олдида ўлик асалариларни кўрсангиз, уларни йиғиб олинг ва албатта ёқиб юборинг, чунки улар инфекциядан ўлган бўлиши мумкин ва уя олдида қолдирилса, унинг тарқалишига сабаб бўлади.





БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСАЛАРИЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ – МУМ

Мум мумкатақ қопқоқлари, қолдиқлари ва эски сушдан олинади. Энг сифатли мум асал олишда кесиладиган мум қопоқлардан ҳосил бўлади.

Қопқоқлардаги мум оқиб тушиши керак, сўнгра қолдиқларини асал ҳайдаш ускунасида олиш мумкин бўлади. Шундан сўнг асал қолдиқларини йўқотиш учун қопқоқларни илиқ сув билан ювиш ва мум эриткичда эритиб олиш керак. Шунда оч ранг ва тоза мум ҳосил бўлади.

Мум эриткич бўлмаса, сушни ёки мумкатақ қолдиқларини икки кун давомида илиқ сувда ивитиб қўйиш мумкин, сўнгра уларни бўз қопга солиб, шу ҳолда қайнаётган сувга солиш керак. Қопни тортинг ва сиқиб олинг.

Қайта эритилган мум бироз туриб қолса, устида моғорга ўхшаш нарса пайдо бўлади. Аммо бу моғор эмас ва хавфли эмас. Аммо сушь намлик кўп бўлса ҳам моғор билан қопланиши мумкин. Бундай сушь қайта эритилиши зарур, уни уяда қолдириб бўлмайди.

Мумни сақлашда мум куяси алоҳида хавф туғдиради. Асалари хўжалигида мум куяси пайдо бўлишининг олдини олиш учун аввало мумкатақ, қопоқлар қолдиқларини ҳар ерга ташламаслик зарур. Мумнинг ўзини салқин хонада сақланг, чунки 10°Cда мум куяси қотиб қолади, 8°C совуқда эса ҳалок бўлади. Шунингдек куяга қарши курашиб учун «кантимоль» деган воситани ҳам қўллаш мумкин – уни кичик қофоз парчасига сепиб, уя тубига қўйиш керак. Рамкаларни яхшилаб ювиш ва үяга қўйишдан аввал қўритиш керак.






ФЕВРАЛ

АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 11-ФАКТ

Асаларилар қизил рангни фарқлай олмайди. Уни түқ кул ранг ёки қора ранг сифатида кўради. Аммо инсон кўра олмайдиган ультрабинафша нурларни кўради. Асаларилар сариқ рангни ниҳоятда яхши кўради: уни узоқдан кўриш мумкин.



ФЕВРАЛДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Феврал ойида ҳаво ўзгарувчан бўлади. Агарда ҳаво илиқ бўлса, бу пайтда биринчи баҳор эқинлари гуллай бошлайди ва асаларилар гул шираси ва чангини йиғишга киришади.

Илиқ ҳавода асалариларни кўриқдан ўтказишни бошлаш мумкин, аммо ҳаво совуқ бўлса, фақат эшлиши билан чегараланинг. Заруратга кўра, асаларилар озуқаси камайса ёки асал қотиб қолса, уларга қўшимча озуқа беринг. Қўшимча озуқанинг яна бир тури – асалли шакарли хамир. Уни тайёрлаш учун бир қисм суюқ асал ва тўрт қисм шакар кукунини олинг. Асални 40 дарражагача иситинг ва кукун билан аралаштиринг. Ҳосил бўлган хамирдан кулча ясанг ва уяларга рамкаларнинг устига қўйинг.




- 1 

 1 ҚИСМ СҮЮҚ АСАЛ
 
 ҚИЗИТИШ

- 2 

 4 ҚИСМ +
 
 1-БОСҚИЧНИНГ
ЯКУНИЙ
МАҲСУЛОТИ
 АРАЛАШ-
ТИРИШ

- 3 
 2-БОСҚИЧНИНГ
ЯКУНИЙ
МАҲСУЛОТИ
 
 ЁЙИШ



БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР АСАЛАРИЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ – ПРОПОЛИС ВА ОНА АСАЛАРИ СУТИ

Прополисни асалари елими деб ҳам аташади (қаранг: фото – прополисдан ясалган шарча рамкалар устида). У мумсимон ёпишқоқ модда бўлиб унинг ёрдамида асаларилар уядаги тирқишларни ёпади. Прополис тўқ яшил ёки кўнғир рангга, аччиқ тамга ва ўзига хос ёқимли ҳидга эга.

Прополис холст ва рамкалардан кўчириб олинади ва салқин, қуруқ ва тоза жойда сақланади (25 градус Цельсийдан юқори эмас). Прополис халқ табобатида кенг қўлланилади. У микробларни ўлдириш хусусиятига эга, модда алмашинувига ижобий таъсир кўрсатади, таркиби витаминларга бой, ва умуман, соғлиқни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Она асалари сути – бу асаларичилар оладиган яна бир қиммат-





ПРОПОЛИСДАН ЯСАЛГАН
ШАРЧА РАМКАЛАР УСТИДА

баҳо неъмат. Она асалари сутини ёш энага асаларилар ажратиб чиқаради, у личинкаларни ҳәтигининг дастлабки 3 кунида боқишига, шунингдек она асаларини боқишига мўлжалланган.

Она асалари сутини бевосита она асалари уясидан олиш мумкин. Асаларилар бундай уяни ясами учун она асаларини вақтингча уядан чиқариб олиш керак. Катаклардан она асалари сути қошиқчалар ёрдамида чиқариб олинади, шундан сўнг биттасидан бошқа ҳамма она асалари уялари бузиб ташланади. Шуни ёдда тутиш керакки, сут олиш учун фойдаланилган асаларилар оиласи кучсизланади ва биз қолдирган она асалари уясидан янги она асалари чиқмагунча она асаларисиз қолаверади.

Она асалари сутидан ҳам халқ табобатида фойдаланилади. У организмни мустаҳкамлашда жуда фойдали, моддалар алмашинувини яхшилайди, кўриш қобилиятини оширади, деган фикр бор, айни пайтда ундан вирусга ва микробга қарши восита сифатида ҳам фойдаланилади.



АСАЛАРИЛАР ҲАҚИДА ҲАЛИ БУНИ БИЛМАЙСИЗ – 12- ФАКТ

Агарда асалари хұжалик яқинида үзоқ бўлмаган масофада озуқа манбасини топса, у «доира» рақсини ижро этади. «Ликилловчи» рақс билан асалари үзоқроқ масофадаги асал ёки гул чанг манбасидан хабар беради.



МАРТДА ҚАНДАЙ ИШЛАР БАЖАРИЛАДИ?

Худудга боғлиқ равишда феврал-март ойларида асаларилар қишиккесидан уйғона бошлайды. Яхши об-ҳавода улар уядан учебчиқиб, гул шираси ва чангни йиғишишга киришади. Аммо, ҳали об-ҳаво барқарор эмас, табиатдан олинган озуқа асалариларга етишмаслиги мумкин. Шу сабабли уларга қўшимча озуқа бериш керак.

Ҳаво илий бошласа ва ҳаво 15°C дан пасаймаса, асосий баҳорги тафтишни ўтказинг. Дастрраб асаларилар қишдан қандай чиққан лигини, оиласалар кучини ва оиласалада она асалари борлигини текширинг. 5 ва ундан кўп рамкалар тўлиқ арилар билан қопланган бўлса, оила кучли, 4 рамка бўлса – ўртача ҳисобланади. Агарда



бундай рамкалар 4 тадан кам бўлса, оила – кучсиз. Ячейкаларни кўздан кечиринг, личинкалари борми? Бор бўлса, ҳаммаси жойида ва она асалари ҳам бор. Агар она асалари бўлмаса, унга бошқа оиладан етилган она асалари уясини қўйиш керак.

Кўрик пайтида асаларили рамкаларни янги тоза уяга қўйинг ва шунча рамка қолдирингки, токи асаларилар уларни тўлиқ қопласин. Эски уяларни тозаланг, совунли сув билан ювинг, қуритинг ва кавшарлаш ламаси билан кўйдиринг.



БИРОЗ НАЗАРИЙ МАЪЛУМОТЛАР
АСАЛАРИЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ – ГУЛ ЧАНГИ

Асаларилар йиғадиган гул чанги бу асаларичиликнинг яна бир қўшимча маҳсулоти бўлиб, қўйиматли биологик хусусиятларга эга, инсон организмидаги барча жараёнларни ниҳоятда кучайтиради.

Тиббий мақсадлардан ташқари, гул чангидан асаларичилар асалариларни боқишида ҳам фойдаланишади. Шундай пайтлар бўладики, табиатда гул чанги етишмайди. Аммо асалариларга личинкаларни боқишида улар зарур, таркибида оқсил моддаси кўп. Бу ҳолда асаларичилар асалариларга гул чанги беради. Бунинг учун гул чанги, асал ва шакар кукуни 2.5:1.9 нисбатда аралаштирилади. Ҳосил бўлган хамирдан кулчалар ясалади ва уяга рамкалар устига қўйилади.






Асаларилар гул чангини ўсимликлардан йиғади, кичик шарлар қилиб думалоқлайды ва оёқларидағи кичик саватчаларда уясига ташыйди. Чангни олиб қолиш учун маҳсус чанг олиш панжалари зарур, улар уя күзига ўрнатилади. Уларда диаметри 5 миллиметрға тенг тешиклар бор. Бундай панжарадан ўтаётган асалари чангли шарикларни тушуриб қолдиради, улар пастга юмалаб тушиади ва чанг тұплаш жойида жамланади. Чанг тутқичлар эрталабдан ўрнатилиши керак, кунига бир соатдан ортиқ турмаслиги зарур. Улар үзоқ муддаттаға қолдирилса, асалариларга гул чанг итишмайды ва она асалари тухум қўйишидан тұхтайди.

Гул чангі тездә айнийди, шу сабабли уни ҳар оқшом, асаларилар учищдан тұхтаганидан сүнг йиғиб олиш зарур. Уни сирли ёки ёғоч идишда сақлаш керак. Темир идиш ярамайды, чунки чанг темир билан реакцияға киришади ва заарли моддалар ҳосил бўлади. Үзоқ вақт сақлаш учун чангни тенг нисбатда асал билан аралаштириб, музлаткичда сақлаш керак.





БАХОР



АПРЕЛ

- ☑ Хўжалик жойини белгилаб олиш
- ☑ Сув ичиргич тайёрлаш
- ☑ Уяларни ва зарур инвентарни харид қилиш
- ☑ Асалариларни харид қилиш
- ☑ Бир ҳафтадан сўнг бирламчи кўрикни ўтказиш

МАЙ

- ☑ Уяларни кенгайтириш



58

Бошловчи асаларичилар учун АСАЛАРИЧИЛИК

ЁЗ

ИЮН

- ✓ ҳафтасига бир марта асалариларни күрикдан ўтказиш
- ✓ уяларни кенгайтириш (зарурат бўлса)
- ✓ асаларичилик ҳақидаги китобларни ўқиш.



АВГУСТ

- ✓ якуний асал олишини ўтказиш

ИЮЛ

- ✓ асал олишини амалга ошириш
- ✓ ҳар бир оиласдан қанча асал олинганлигини қайд этиш

- ✓ эски сушни сунъий мумкатакли рамкага алмаштириш
- ✓ эски сушни мумэриткичда эритиб олиш
- ✓ олинган мумни сунъий мумкатакли тўпламларга алмаштириб олиш



СЕНТЯБР

- ☑ асалариларни құшимча боқиши учун охурча ясаш
- ☑ құшимча боқиши учун қиём тайёрлаш
- ☑ перга ўрнини босувчи тайёрлаш

куз



ОКТАБР

- ☑ уяга варротозга қарши ишлов бериш
- ☑ асалариларни сентябрдаги даволаш қиёми билан боқиши

НОЯБР

- ☑ асаларилар ва уяларни кузги күрикдан үтказиш
- ☑ уяларни иситиши, бўш рамкаларни олиб қўйиш ва рамкалар ортидан тўсиқлар қўйиб қўйиш
- ☑ уяларни ердан 40 см баландликка қўйиш ва қопқоғи устига пленка ёпиш



КИШ

ДЕКАБР

- ☑ инвентарни тартибга келтирисш
- ☑ қолган эски сушни қайта әртиб олиш
- ☑ келгуси баҳорға әхтиёт уяларни тайёрлаб қўйиш
- ☑ асалариларни кўрикдан ўтказишиш
- ☑ асалариларни қўшимча озиқлантириш (зарур бўлса)



ЯНВАР

- ☑ асалариларни кўрикдан ўтказишиш
- ☑ уя қопқоғидан қорни олиб ташлаш
- ☑ ўлик асалариларни ёқишиш

ФЕВРАЛ

- ☑ асалариларни кўрикдан ўтказишиш
- ☑ асалариларга қўшимча озуқа берисш (зарур бўлса)



БАҲОР



МАРТ

- асалариларга құшимча озуқа бериш
- асаларилар ва уяларнинг баҳорги тафтишини үтказиш
- асаларили рамкаларни янги тоза уяға қўйиш
- эски уяларни ювиш ва кавшарлаш лампаси билан куйдирис



62

Бошловчи асаларичилар учун АСАЛАРИЧИЛИК

АДАБИЁТ

1. Аршавский С.А. **Пасека под крышей.** 1991
2. Булгакова Л. **Медоносы кочевого пчеловодства.** 1989
3. Граут Р. **Пчела и улей.** 1969
4. Киреевский И.Р. **Что нужно знать начинающему пчеловоду.** 2006
5. Крахотин Н. **Календарь пчеловода.** 1989
6. Родионов В.В., Шабаршов И.А. **Если вы имеете пчел.** 1983
7. Таранов Г.Ф. **Словарь-справочник пчеловода.** 1984



ҚАЙДЛАР УЧУН



64

Бошловчи асаларичилар учун АСАЛАРИЧИЛИК

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

